



**15-16 APREL
2022**

**TOSHKENT
O‘ZBEKISTON**

**“GEOGRAFIK TADQIQOTLAR: INNOVATSION G‘OYALAR
VA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI”**

XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIV VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM
VAZIRLIGI
MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
G.O. MAVLONOV NOMIDAGI SEYSMOLOGIYA INSTITUTI**

O‘ZBEKISTON GEOGRAFIYA JAMIYATI

**“TADQIQOT.UZ”
XALQARO ILMIIY JURNALLAR PORTALI**

**GEOGRAFIK TADQIQOTLAR:
INNOVATSION G‘OYALAR VA RIVOJLANISH
ISTIQBOLLARI**

**II
XALQARO ILMIIY-AMALIIY KONFERENSIYA
MATERIALLARI**

TO‘PLAMI

Toshkent - 2023

Geografik tadqiqotlar: innovatsion g'oyalar va rivojlanish istiqbollari:
II Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plam (15–16-aprel, 2022-yil,
Toshkent). –Toshkent.: TADQIQOT.UZ, 2023. – 847 bet.



<http://doi.org/10.5281/zenodo.4751426>

To'plamda keltirilgan ilmiy tadqiqot ishlari natijalaridan tabiiy geografiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va tabiiy resurslardan oqilona foydalanish, iqtisodiy va ijtimoiy geografiya, xorijiy mamlakatlar iqtisodiyoti va mamlakatshunoslik, tashqi iqtisodiy faoliyat, turizm, gidrologiya, gidrometeorologiya, geologiya, geodeziya, kartografiya hamda geoinformatika sohalaridagi mutaxassislar, ilmiy xodimlar, mustaqil izlanuvchilar, doktorantlar, magistratura va bakalavriat talabalari, umumiy o'rta ta'lim maktablari, o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalari o'qituvchilari hamda geografiya faniga qiziquvchilar foydalanishlari mumkin.

Tahrir kengashi:

g.f.d., professor Hikmatov F.H.
g.f.d., katta ilmiy xodim Rafiqov V.A.
g.f.n., dotsent Sharipov Sh.M.

Kengash a'zolari:

g.f.n., dotsent Tashtayeva S.K.
g.f.n., dotsent Shomurodova N.T.
PhD, dotsent Shomurodova Sh.G'.
PhD, dotsent Prenov Sh.M.
PhD, dotsent Raxmonov D.N.
PhD, dotsent Raxmonov K.R.
PhD, dotsent Umirzoqov G'.O'.

Mas'ul muharrir:

Ibragimov Sh.U.

©Mualliflar jamoasi

©tadqiqot.uz



<http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7508974>

ЎРТА ОСИЁЛИК АЛЛОМАЛАРНИНГ ГЕОГРАФИК АСАРЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВОСИТАСИДА ЎРГАНИШ

Собиржанова Нилуфар Соҳибжон қизи

Наманган давлат университети

e-mail: sobirjanova2022@mail.uz

Аннотация: Мазкур мақолада Ўрта Осиёлик алломаларимиз томонидан яратилган асарларни, жумладан географик тадқиқотларини ҳозирги куннинг замонавий таълим технологияларини қўллаган ҳолда ўрганилиши тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Калит сўзлар: Ўрта Осиё, “Бобурнома”, географик тадқиқот, таълим технологияси, географик асар, компетенция, дидактик материал, платформа.

THE STUDY OF GEOGRAPHIC WORKS OF CENTRAL ASIAN SCIENTISTS BY MEANS OF MODERN EDUCATIONAL TECHNOLOGIES

Sobirjanova Nilufar

Annotation: This article provides feedback on the study of works written by our Central Asian scholars, including geographical research, using modern educational technologies.

Keywords: Central Asia, “Bobur-name”, geographical research, educational technology, geographical work, competence, didactic material, platform.

Ҳозирги кунда кўплаб дунё мамлакатларида география таълим жараёнига компетенциявий ёндашув асосида талабаларнинг табиий-илмий саводхонлигини замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиб, ахборот-коммуникация, педагогик ва бошқа инновацион технологиялари воситаларини қўллаган ҳолда таълим сифат ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. География фанини ўқитишда компьютернинг педагогик дастурий воситалари, ахборот таълим муҳитларидан самарали фойдаланиш орқали ижодий қобилиятини ривожлантириш ҳамда назарий-методологик асосларини такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Республикамизда ҳам олий таълим тизимида ўқитишга доир янгича ёндашувларни кенг жорий этиш, компетенциявий ёндашув асосида талабаларда ҳаётий кўникмаларни ривожлантириш, таълим олувчиларда ақлий фаоллик ва шахсий компетентликни шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Дарсларни компьютер технологиялари ва унинг педагогик дастурий воситалар ҳамда электрон таълим ресурсларидан фойдаланиб ўқитиш бўйича

таълимнинг барча босқичларида турли хил механизмлар ишлаб чиқилган ва улардан фойдаланиш йўлга қўйилган. 7-синф география фани дарслигининг ўқув мазмуни икки бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлимда 34-соат “Ўрта Осиё табиий географияси”, иккинчи бўлимда эса 34-соат “Ўзбекистон табиий географияси” ўргатилади. Аммо, ахборот технологияларининг такомиллашуви туфайли, ушбу механизмларни мазкур синфда ўқитилаётган география таълимига қўллаш, уларни янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ [3].

Ўрта Осиё дунёдаги энг катта куруқлик Евросиё материгининг нақ ўртасида жойлашган энг қадимий (ибтидоий) одам яшаган масканларга бой ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт жуда эрта бошланган кўхна ўлкалардан биридир. Табиий компонентларнинг ғоят хилма-хиллиги, тупроқ, иқлим шароитининг қулайлиги ўлкада бир неча минг йиллардан буён инсоният яшаб келаётганлигидан дарак беради. Ўрта Осиё ибтидоий ҳаёт белгилари яхши сақланиб қолган ҳудудлардан биридир. Амалий машғулотлар давомида палеолит, мезолит, неолит даврларига доир маълумотларни антик даврдаги ўлка тўғрисидаги Геродот, Страбон, Птоломей каби рим ва юнон олимларини асарларини, илк ўрта асрлар (V-VIII асрлар) ва ўрта асрларда (IX-XV асрлар)да Ўрта Осиёдаги географик тасаввурларни тараққиёти ҳамда араблар истилоси ва уларнинг янги дунёқарашни шаклланишидаги ролини Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Балхий, Шайбоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий каби жаҳон фани тарихи саҳифаларидан муносиб ўрин олган мутафаккир, аллома ва сайёҳларнинг ишларини ўрганиш ҳамда ёритиш талаб этилади [1].

Мўғуллар истибдоди даври (1220-1360 йиллар), Темурийлар ҳукмронлиги даври (XIV асрнинг 60-йилларидан XVI асргача), Шайбонийлар даври (XVI аср), Аштархонийлар (XVII аср) давридаги ўлканинг ижтимоий-иқтисодий шароити, фан ва маданиятнинг гоҳ гуллаб - яшнаши, гоҳ чуқур инкирозга учраши ва сабаблари тўғрисидаги маълумотлар ўрганилади, XVIII - асрдан XX - аср бошигача Ўрта Осиёнинг табиий географик ўрганилиши асосан маҳаллий олимлар, сайёҳ-географлар ҳамда чор Россиясининг мустамлакачилик мақсадида уюштирилган илмий-тадқиқот экспедициялари номи билан чамбарчас боғлиқ.

2022 йилнинг 24 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Биринчи Тошкент халқаро инвестиция форумида сўзлаган нутқида ҳам Ўрта Осиёдан етишиб чиққан алломаларимиз ҳаёти ва фаолияти тўғрисида тўхталиб қуйидагиларни таъкидлаб ўтди:

“Ушбу кўхна заминдан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирлар, дунёвий ва диний илмларнинг улуғ намояндалари бугунги кунда ҳам бутун инсониятга хизмат қилаётган ноёб кашфиёт ва бебаҳо асарлар яратиб, уларни жаҳон аҳлига мерос қилиб қолдирганлар. Мисол учун, ҳозирги даврда ҳам

долзарб бўлган карантин тушунчасини Европада “Авиценна” номи билан танилган аждодимиз, буюк шифокор Абу Али ибн Сино бундан минг йил муқаддам биринчи бўлиб амалиётга жорий қилгани тарихдан яхши маълум. Машҳур давлат арбоби, айна пайтда буюк астроном бўлган Мирзо Улуғбек эса XV–асрдаёқ Самарқандда расадхона қурдириб, мингдан ортиқ юлдузларнинг энг тўғри координатларини аниқлаб, илм-фан ривожига беқиёс ҳисса қўшган. Замонавий инновацион ва блокчейн технологиялари ва сунъий интеллект негизини ташкил қилувчи алгоритм атамаси яна бир улуғ аждодимиз – Муҳаммад Ал-Хоразмий номи билан боғлиқ эканидан сизлар албатта хабардорсиз”.

Шунинг учун ҳам “Ўрта Осиё табиий географияси” фанини ўқитиш жараёнида албатта Шарқ алломаларининг географик асарларига мурожаат қилинади ёки уларнинг ҳаёт фаолиятларини ўрганишга эътибор қаратилади. Шунинг учун ҳозирги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда Ўрта Осиёлик алломаларнинг географик асарларини замонавий таълим технологиялари воситасида ўрганишни йўлга қўйишни даврни ўзи тақозо қилмоқда [2]. Уларнинг асарларини ўрганишнинг сифат ва самарадорлигини оширишда инновацион ва ахборот технологияларни тадбиқ этиш механизмларини замонавий ривожланиш тамойиллари асосида янада такомиллаштиришга қаратилган замонавий усулларни амалга ошириш лозим. Жумладан, Ўрта Осиёлик алломаларнинг географик асарларини ўрганишда таълим жараёни самарадорлигини оширишга таъсир этадиган ахборот воситаларини қўллаш, алломаларнинг асарларини ўрганишга оид ўқув услубий кўрсатмалар яратиш, асарларининг электрон мультимедияли воситаларини яратиш каби масалалар ўз ечимини топиши зарур.

Шунингдек уч ўлчовли ўқув воситалар, мультимедияли иловалар каби дидактик электрон таълим ресурслари билимлар кетма-кетлигига кўра интеграциялаш, тизимлаштириш, мослаштириш ва бойитиш, Ўрта Осиёлик алломаларимизнинг асарларини ўрганишда мустақил ўқув фаолиятини ташкил этишга қаратилган интерфаол методлар ва замонавий ахборот технологиялари асосида ўқитиш моделларини ривожлантириш, махсус доменга электрон таълим ресурсларини жойлаштириш, онлайн ўқув машғулотларни виртуал шаклда ташкил этиш, шунга мос равишда талабаларда география фанига оид зарур компетенцияларни шакллантириш, фанлараро боғлиқлик моҳиятини очиб бериш, таълим технологияларининг ахборот технологиялари воситалари билан интеграциялаш асосида фаннинг назарий асосларини мустаҳкамлаш зарурати ўз ечимини топишига баҳоли – қудрат ҳисса бўлиб қўшилиши мумкин [3].

1. Баратов П., М.Маматкулов, А.Рафиқов. Ўрта Осиё табиий географияси. “Ўқитувчи” нашриёти, Тошкент. 2002. – 105 бет
2. Боймирзаев К.М. Ўрта Осиё табиий географиясидан амалий машғулотлар. Наманган, 2009 йил. – 105 бет
3. Жанзаков А.Б. Умумтаълим мактабларида география фанини ахборот технологиялари воситасида ўқитиш механизмларини такомиллаштириш. Пед. фан. фал. док. (PhD) диссер. автореферати. Самарқанд, 2021. – 45 бет